
Фарғонада ошхона, чойхона, ресторан ва кафелар ўз фаолиятини қайта бошлайди

Фарғонада вилоят коронавирусга қарши курашиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш штаби ва махсус комиссия қарорига асосан **2020 йил 11 августдан** бошлаб, вилоят ҳудудидаги **умумий овқатланиш объектлари**, жумладан, **ошхона, чойхона, ресторан** ва **кафелар** фаолиятига рухсат берилди.

Бу ҳақда ЎзА [хабар бермоқда](#).

Қайд этилишича, бу вилоятдаги эпидемиологик вазият жиловини маҳкам ушлаган ҳолда карантин талабларини босқичма-босқич юмшатишга қаратилган ишлардан биридир.

Бу вилоятдаги эпидемиологик вазият жиловини маҳкам ушлаган ҳолда карантин талабларини босқичма-босқич юмшатишга қаратилган ишлардан биридир.

Умумий овқатланиш шохобчалари карантин талаблари ва санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилиб, кириш-чиқиш жойларини **пирометрлар, антисептик воситалар билан таъминлаган ҳолда** ўз фаолиятини қайта бошлайди.

Фаолиятини давом эттиришга рухсат этилган тадбиркорлик субъектларида тегишли органлар томонидан карантин талаблари, санитария-эпидемиологик қоидаларига риоя этилиши устидан назорат олиб борилади. Барча ходимлар **тиббий ниқоб** ва **қўлқопда** бўлиши, **ижтимоий масофани сақлаши** шартлиги белгиланган.

Ресторан ва кафеларда банкетлар ҳамда бошқа оммавий тадбирларни ўтказишга йўл қўйилмайди ҳамда фаолиятини **соат 8:00 дан 20:00 га** қадар ташкил этади.
2020-08-11 09:58:57